Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 198 (21. 065) 1991 йил 11 октябрь, жума ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН САМИМИЙ СУҲБАТ

АВВАЛ хабар қилингани-дек, 9 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов жумҳуриятимизнинг таниқли ёзувчилари ва шоирлари, адабиётшунос олимлар билан учрашди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби, СССР халқ депутати Одил Ёқубов, таниқли адиблар Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқалар иштирок этдилар.

Учрашувни Одил Ёқубов кириш сўзи билан очиб, ушбу мулоқотни Ёзувчилар уюшмаси анчадан буён жуда орзиқиб кутганлигини, жумҳуриятимизнинг мустақилликка чиқиши барчани, шу жумладан ёзувчиларни ҳам ниҳоятда хурсанд этганлигини, бу мустақиллик халқимизнинг асрлардан буёнги орзуси бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

— Жумҳурият раҳбари сифатида мен Ўзбекистон ўзининг мустақил йўлини танлаётган бир вақтда сиз, ҳурматли ёзувчилар билан маслаҳатлашсам, сизларга таянсам, ишимиз янада юришиб кетади деб ўйлайман, — деди. И. А. Каримов учрашувда сўзга чиқиб. — Халқни ҳамкорликка, жипслашишга чақириш учун сизнинг мададингиз зарур. Биз мустақиллик эълон қилдик. Афсуски, кўпчилик мустақиллик ҳақида ҳар хил талқинлар бор. Баъзилар мустақилликни бир томонлама тушуниб, унинг мазмунини ҳалигача яхши англаб етмаяпти. Шуни айтиш керакки, ҳақиқий мустақилликка эришиш учун қанчадан-қанча машақатли ва оғир синовлардан ўтиш зарур.

Халқимизга мустақиллик албатта керак, — деб сўзини давом эттирди И. А. Каримов. Мен иқтисодчи мутахассис сифатида шуни айтишим керакки, агар Ўзбекистон мустақилликка эришмаса, унинг халқи чинакам фаровонликка етиб боролмайди. Ҳаётни яхши томонга ўзгартириш учун ундай қиламиз, бундай қиламиз, деган қуруқ гаплар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Мустақиллик йўли энг тўғри, одил ва қутлуғ йўлдир. Бу йўлни зўр қатъият билан давом эттириш зарур. Бу ишни халққа, сиз, ҳурматли ёзувчиларга таянмай туриб амалга ошириб бўлмайди.

Агар Ўзбекистон бойликларини қаттиқ туриб ўз қўлимизга олмасак, иқтисодий жиҳатдан сира юксала олмаймиз. Шуни ҳам айтиш керакки, бу йўлда муаммолар, тўсиқлар ва қийинчиликлар бўлади. Бу табиий, албатта. Лекин бу қутлуғ йўлда қандай муаммолар, тўсиқлар ва қийинчиликлар бўлмасин, уларни биз бир ёқадан бош чиқариб, мардонавор енгмоғимиз даркор.

— Менинг фикрим шундайки, — деб таъкидлади

И. А. Каримов, — мустақил бўлсак ҳам ҳозирча Иттифоқ таркибида бўламиз. Шу Иттифоқ таркибида озод, мустақил, эркин давлат бўламиз, бойликларимизга ўзимиз эгалик қиламиз. Ҳозир бунинг учун қулай шароит мавжуд.

Ўзбекистон Президенти мустақиллик йўлида амалга оширилган ва оширилаётган барча ишлардаги хато ва камчиликларга тўхталиб, бундай деди: камчилик ва хатолар ҳаммада, шу жумладан менда ҳам бор. Беайб парвардигор, дейдилар-ку, ахир. Мард одам ўз хатосини бўйнига олиб, уни албатта тузатади.

Учрашув қатнашчиларининг диққат-эътибори миллатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, уларни тобора ривожлантириш масалаларига қаратилди. Ҳозир республикамизда юздан ортиқ миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқда. Бундан буён ҳам уларнинг тенглиги, дўстлиги, ҳамжиҳатлиги, осойишталигини таъминлаш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир, деди Президент.

Мустақиллик йўлида демократия ва ошкораликни ривожлантириш, холисона танқидни қарор топдириш, шунингдек эркин ижод деб меъёрдан чиқиб кетмаслик ва ана шу меъёр масаласига қатъий амал қилиш лозимлиги таъкидланди.

И. А. Каримов жумҳуриятнинг оммавий ахборот воситалари фаолияти хусусида алоҳида тўхталди. Уларнинг ишини яхшилаш зарурлигига асосий эътиборни қаратди. Ўзбекистон телевидениеси фаолияти, унинг дастурлари тубдан ўзгартирилиши зарур. Бу ишлар билан шуғулланадиган кишилар янада масъулиятли, янада жонкуяр бўлишлари керак. Шундай қилсак, тўғри бўлади деб ўйлайман.

Матбуотга ҳам алоҳида эътибор бермоқ даркор. Матбуот саҳифаларидаги танқид инсон шаҳсияти ва шаънига тегмайдиган, холисона ҳаққоний бўлиши зарур.

Учрашувда мустақил Ўзбекистон жумҳуриятининг мустақил Ахборот агентлигини қарор топтириш ва бу йўлда барча зарур тадбирларни кўриб чиқиш лозимлиги эслатиб ўтилди.

Учрашувда сўзга чиққан ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг, шахсан Президентимизнинг мустақиллик йўлида олиб бораётган тўғри ва дадил сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини, ана шу йўлни ҳеч иккиланмасдан қатъият билан давом эттириш зарурлигини таъкидладилар. Улар бу қутлуғ, аммо жуда мураккаб ва қийин йўлда Ўзбекистон халқи, Президенти билан доимо бирга, ҳамиша ҳамдард ва ҳамнафас эканликларини изҳор қилдилар. Адиблар бозор иқтисодиётига ўтилиши билан боғлиқ қийин шароитларда халқимизнинг руҳини кўтарадиган асарлар ёзишга сўз бердилар.

Жумҳуриятимизда партия, кўппартиялилик, ёшлар ва болалар тарбияси, маданиятни ривожлантиришга оид бошқа бир қатор масалалар ҳам тилга олинди, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилди.

Бир пиёла чой устида ўтказилган самимий ва дилкаш суҳбат чоғида Ўзбекистон ёзувчиларининг қурултойини муносиб кутиб олиш, ҳақиқий, чинакам сўз ва ижод эркинлигини қарор топтириш юзасидан фикрлашилди. Адибларимиз мураккаб шароитларга қарамасдан дурустгина асарлар ёзишаётгани, лекин бу китобларни нашр эттириш қийин кечаётгани айтиб ўтилди. Ёзувчилар турмуш шароитини яхшилаш масалаларига эътибор қаратилди.

Учрашувда Ўзбекистон ижодкорлар жамғармасини ташкил этишга қарор қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президент Кенгашининг аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Шукрулло, Ҳ. Худойбердиева, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Ижодкорлар билан учрашувдан лавҳалар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИНИ ЧАҚИРИШ ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИДА

Таъсис қурултойини тайёрлаш ишчи гуруҳи коммунистларнинг Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзолари сифатида рўйхатга олиш муддатлари билан боғлиқ жуда кўп саволларига жавобан маълум қиладики, бундай рўйхатга олиш учун муддат чекланмаган.

Жойлардаги ташкилот комитетларига рўйхатга олишни 25 октябргача ўтказишга доир топшириқ таъсис қурултойига вакиллар сайлаш имкониятини таъминлаш учун янги партияни тузиш ғоясини қўллаб-қувватлаётган фуқаролар сонини тахминан аниқлашни кўзда тутади, холос.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЪЗИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин:

«Ўртоқ Ж. Ғ. Йўлдошевни Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири этиб тайинлаш тўғрисида»ги 1991 йил 22 июлдаги Фармони;

«Ўртоқ К. Юсуповни Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида»ги 1991 йил 22 июлдаги Фармони;

«Ўртоқ Э. А. Муродовни Ўзбекистон ССР молия вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида»ги 1991 йил 6 августдаги Фармони;

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Иттифоқ идораларининг 1991 йилда валюта маблағларидан фойдаланишнинг алоҳида тартибини белгиловчи ҳужжатлари амал қилишини тўхтатиб қўйиш тўғрисида»ги 1991 йил 6 сентябрдаги Фармони;

«Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида»ги 1991 йил 6 сентябрдаги Фармони;

«Ўртоқ Р. Ў. Аҳмедовни Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири — миллий гвардия қўмондони этиб тайинлаш тўғрисида»ги 1991 йил 10 сентябрдаги Фармони;

«Ўртоқ Э. Ж. Боқибоевни Ўзбекистон Республикасининг молия вазири этиб тайинлаш тўғрисида»ги 1991 йил 10 сентябрдаги Фармони;

«Ўртоқ А. Маҳмудовни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида»ги 1991 йил 10 сентябрдаги Фармони;

«Ўртоқ Ў. Т. Султоновни Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо ва чет мамлакатлар билан алоқа давлат қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида»ги 1991 йил 16 сентябрдаги Фармони;

«Ўртоқ З. Алматовни Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида»ги 1991 йил 16 сентябрдаги Фармони;

«Ўртоқ Ш. Н. Маҳмудовани Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида»ги 1991 йил 16 сентябрдаги Фармони;

«Ўртоқ С. О. Азимовни Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири вазифасидан озод этиш тўғрисида»ги 1991 йил 16 сентябрдаги Фармони;

«Ўртоқ В. М. Камоловни Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида»ги 1991 йил 16 сентябрдаги Фармони;

«Республика давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини ҳамда халқ таълими тизимини партиялардан холи қилиш тўғрисида»ги 1991 йил 17 сентябрдаги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги Иттифоқ-Республика қўмитасини тугатиш ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлиги хизматини тузиш тўғрисидаги 1991 йил 26 сентябрдаги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 30 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ — АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ

Вазирлар Маҳкамасида 10 октябрда селектор орқали ўтказилган кенгашда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг чакана нархлар ислоҳ қилиниши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир қарорларини амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалалар мажмуи, иккинчи ярим йилликда фавқулодда бюджет қандай бажарилаётганлиги ва пул муомаласининг аҳволи, ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларга иш ҳақини, пенсиялар ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига ва ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларга мувофиқ кенгашни вице-президент Ш. Р. Мирсаидов бошқариб борди.

(Кенгаш ҳақидаги ҳисобот эълон қилинади).

(ЎзТАГ).

НАВБАТ — ТЎРТИНЧИ МИЛЛИОНГА!

Республика пахтакорлари яна бир довонни забт этдилар. Улар уйган хирмон уч миллион тоннадан ошди. Бу мазкур йилда осон кечгани йўқ. Бу йил ҳақиқатдан ҳам пахтачилик учун оғир келди. Етарли иссиқлик энергияси бўлмаганлиги туфайли пахта кечикди. Агар ўтган йили худди шу куни республикамиз пахтакорлари уйган хирмон 4 миллион тоннадан ошган бўлса, бу йил 1 миллион тоннага орқада қолмоқдамиз.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, пахтакор ва механизаторларимиз, чевар теримчиларимиз ғайрат-шижоати билан суръат тобора ошмоқда. Шу боис учинчи миллион тонна пахта қисқа муддатда — қариб бир ҳафтада бунёд этилди. Терилган пахтанинг сифати ҳам яхши.

Мавсумда Бухоро вилояти пахтакорлари пешқадамликни қўлдан бермай келишмоқда. Улар марра сари тобора шаҳдам одимлар билан бормоқдалар. Улар уйган хирмон ҳозиргача 410 минг тоннадан ошди. Фарғоналиклар ҳам пешқадамдан ортда қолмаяптилар. Улар ҳар куни йиллик режанинг қариб 3 фоизи миқдорида хом ашё тайёрламоқдалар. Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларининг пахтакорлари ҳам марра сари дадил интилмоқдалар.

Тошкент вилояти пахтакорлари эса ҳар доимгидек пўлат отларини пахта обдон етилиб, дефолиация муваффақиятли якунланганидан сўнг далага олиб киришди. Оқибатда суръат тобора ўсиб бормоқда. Кунига эл хирмонига 17 минг тоннадан зиёд хом ашё тўкилаётир. Кунлик ўсиш эса 5 фоиздан ошмоқда. Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Ғалаба ва бошқа районларда суръат бундан ҳам юқори.

Куни кеча жумҳуриятимиз бўйлаб хушхабар тарқалди. Ромитан, Олот, Баҳористон, Ангор, Оқолтин, Бухоро районларининг миришкор пахтакорлари зафар маррасини эгаллашди. Улар қабул пунктларига юқори сифатли хом ашё етказиб беришди. Ҳозиргача минглаб бригада, юзлаб жамоа ва давлат хўжаликлари йиллик режани уддаланганлари маълум бўлди.

Об-ҳаво маълумотларига кўра октябрь ойининг иккинчи ярмида ҳаво кескин ўзгариб, ёғингарчиликлар бўлиши мумкин. Ана шу синовли кунларга қолмаслик учун даладаги ҳосилни сўнгги миқолигача қолдирмай вақтида йиғиштириб олайлик. Ана шунда пахтакорларимиз давлатга етказиб берган хом ашёлари учун яхшигина иш ҳақи оладилар. Демак, қишлоқ меҳнат аҳли кўкрагига ҳам шамол тегади.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛНИНГ 10 ОКТЯБРИГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	2,49	90,72
Фарғона	2,56	86,33
Қашқадарё	3,76	76,93
Сирдарё	3,33	74,39
Жиззах	3,69	72,84
Сурхондарё	3,62	67,76
Наманган	3,65	64,66
Андижон	3,94	63,47
Тошкент	4,89	58,57
Самарқанд	3,63	56,53
Хоразм	2,26	52,37
Қорақалпоғистон	2,72	47,34
РЕСПУБЛИКА БУЙИЧА:	3,37	68,92

Эшитмадим, деманглар

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА. Нукусда маҳаллий дорилфунун негизида педиатрия илмгоҳининг филиали фаолият кўрсата бошлади. Орол ва Оролбўйи минтақасида экология вазияти ноқулай бўлган шу кезларда бундай илмгоҳнинг очилиши мақсадга мувофиқдир. Илмгоҳда болалар шифокорлари тайёрлаш кўзда тутилади.

МИЛЛИЙ МАРКАЗ. М. Т. Ойбек номли Термиз дорилмуаллимининда тил тайёргарлиги миллий маркази иш бошлади. 80 дан зиёд тингловчи машғулотларда қатнашяпти. Курсни битирганлар оғзаки нутқ малакасини эгаллаб, махсус адабиётларни таржима қила олиш маҳоратига эга бўладилар.

СУЛОЛАЛАР УЧРАШУВИ. Республика пойтахтидаги К. Д. Ушинский номли Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий илмгоҳида мустақил Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан келган муаллимларнинг оилавий сулолалари учрашуви ўтказилди. Халқнинг азалий удум ва одатларини тиклаш масалалари муҳокама қилинди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИЛАР. Учишни бошқариш марказидан олинган хабарга кўра, космонавтлар А. Арцебарский, Т. Абубакиров ва Ф. Фибек «Мир» илмий-тадқиқот комплексида режалаштирилган ишларни муваффақиятли бажаришди. Шундан сўнг улар кеча Москва вақти билан соат 6 дан 11 дақиқа ўтганида Ерга қайтиб тушишди. Орбитада эса А. Волков билан С. Крикалев ишни давом эттиришяпти.

МУҲОКАМАДА ДОЛЗАРБ МАСАЛА. СССР Фанлар академиясининг умумий сессиясида унинг президенти Р. Марчук ҳозирги шароитда академиянинг мақоми ва вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

СССРНИНГ ОЛТИН ЗАҲИРАСИ. СССР Президенти ҳузуридаги Сиёсий Маслаҳат Комитетининг аъзоси Г. Явлинскийнинг сўзига қараганда 1992 йил 1 январда олтин заҳирамиз миқдори 240 тонна бўлади. У Россия парламенти палаталарининг қўшма мажлисида сўзга чиққан. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда олтин заҳираси 50-йилларда энг кўп миқдорда бўлган, яъни 2 минг тоннадан ошиб кетган.

550 МИНГ ДОНАДАН. СССР Давлат банки «СССР Қизил китоби» туркумидан тоғ эчкиси ва балиқхўр бойқуш тасвирланган 5 сўмлик коллекция тангаларини муомалага чиқаряпти. Тангалар юқорида тилга олинган миқдорда тайёрланяпти.

ХОРИЖДА

ЯХШИ ИСТИҚБОЛ. ЮСФР Иттифоқ ижроия вечеси мажлиси тугади. Унда шундай хулосага келинди: Хорватияда ўт очишни тўхтатиш тўғрисида битимни амалга ошириш шу республиканинг танглик юз берган районларида вазиятни изга солиш учун яхши истиқбол очиб беради.

ЧЕЙНИ ЭЪТИРОФИ. АҚШ мудофаа вазири Америка жамоа ташкилоти — «Атлантика шартномаси уюшмаси» фаоллари ҳузурида нутқ сўзлади. Ядровий дастурларни амалга ошириш оғир юкини камайтириш совет кишиларининг манфаатларига мос келади, деди у.

(«Ўзбекистон овози», ТАСС ва ЎзТАГ мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди).

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари—умумхалқ муҳокамасида

Халқ-Демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари доирасида ҳаракат қилади, жамиятни сиёсий ва иқтисодий эркинлик, тенглик ва ижтимоий адолат принциплари асосида барпо этиш ғояларига содиқ бўлиб қолади.

● (Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низоми лойиҳасидан).

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Куни кеча Жиззах вилоятидаги бир қатор меҳнат жамоаларида бўлиб кишилар билан Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳалари ҳақида суҳбатлашдик. Улар янги партиянинг ҳақиқий, том маънодаги халқчил партия бўлиши кераклигини қайта-қайта таъкидлаб, ана шундагина жумҳуриятда ўзига хос сиёсий куч вужудга келиши мумкинлигини айтишди.

Қосим МУРОДОВ, Пахтакор районидаги Абдужабборов номли давлат хўжалигининг бош мироби: — Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳаларини ўқиб чиқдим. Аввало Таъсис қурултойи олдидан бу муҳим ҳужжатларнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилгани жуда ҳам маъқул иш бўлди. Ҳамма халқчил, бутун туриш-турмуши билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган партиянинг қандай бўлишини кўриб қўйсин.

Вилоятимизда иқтисодий зарар кўраётган давлат хўжаликлари бор. Бундай хўжаликлар бошқа вилоятларда ҳам борлигини назарда тутиб, Дастур лойиҳасининг IV боби 8-сўзбошиси охирига **«Узлуксиз иқтисодий зарар кўриб келаётган жамоа ва давлат хўжаликларининг ери шахсий фойдаланиш ёки ижара принциплари асосида шу хўжаликда истиқомат қиладиган кишиларга деҳқончилик учун бўлиб берилади»** деб ёзиб қўйишни таклиф қиламан. Юқоридаги фикримдан ушбу партияга биринчилардан бўлиб кириш ниятим борлигини англаган бўлсангиз керак.

Иброҳим БОҚИЕВ, Жиззах шаҳар қурилиш-таъмирлаш бошқармаси слесарь-сантехниги: — Шаҳардаги айрим корхона ва муассасаларда «Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига аъзо бўласизларми, йўқми?» деган маънода сўровлар ўтказиляпти. Қизиқ, бу партиянинг Низоми ва Дастури лойиҳалари эндигина рўзномаларда босилди, бу ҳужжатлар билан чуқур танишмасдан туриб, «аъзо бўламан» ёки «аъзо бўлмайман» деб айтиш қийин-ку? Менимча бундай сўровлар билан кишиларнинг кўнглини қолдириш мумкин, холос. Зеро бу услубдан яна илгариги, яъни расмиятчилик ва буйруқбозликка асосланган Компартиянинг ҳиди келади. Компартия ўз фаолиятини демократик централизм асосларида қурган эди. Бу қандай оқибатларга олиб келгани эса ҳаммамизга маълум. Шуни назарда тутиб мен янги партия Низоми лойиҳасининг 9-моддасидаги **«Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси»** сўзидан кейин **«қатъий демократик асосларда»** деган сўзларни киритишни ва сўнг матнда давом этишни таклиф қиламан.

Қодир УМАРОВ, Октябрь районидаги Беруний номли давлат хўжалигининг бригада бошлиғи: — Халқ-Демократик партияси кишиларнинг сиёсий онгини ошириш ҳамда халқнинг тинч, фаровон, маданий яшаши йўлида хизмат қилиши керак. Шунга эришиш лозимки, собиқ Компартиядаги мавжуд иллатларнинг бирортаси ҳам янги партия яқинига йўлолмасин. Бунинг учун ХДПни Компартиянинг собиқ бюрократ ходимларидан бутунлай холи қилиш зарур. Токи улар иллатларни бу ерга ҳам ташиб олиб келмасинлар.

Қозоқбой РАҲМОНОВ, Учқулоч маъдан қидирув партияси диспетчери: — Иттифоқда юз берганидан фарқли ўлароқ жумҳуриятимиз раҳбарияти ҳар бир кишига сиёсий ҳаётдаги ўз ўрнини топиб олишлари учун имконият яратмоқда. Буни ҳақиқий халқчиллик деса бўлади. Собиқ Компартия қуйи бўғини фаолларидан бири бўлганлигим туфайли ён-атрофдаги кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини қизиқиб тинглайман. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига сўзсиз аъзо бўлишларини айтишмоқда. Мен партия Низоми лойиҳасига **«собиқ Компартия аъзоларининг стажлари Ўзбекистон ХДП да тўла сақланиб қолади»** деб ёзиб қўйишни таклиф қиламан. Чунки орамизда партия аъзолик стажи 35—40 ва ундан ҳам кўп бўлган соф виждонли кишилар бор. Уларнинг устозлик тажрибасини ҳурмат қилишимиз керак.

Б. САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• Муштарий хатларидан

ТАКЛИФ ҚИЛАМАН

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳалари ривожлантирилиши, поёнига етказилиши, шунингдек таҳрир этса бўладиган қоида ва хулосалар борлигини кўрдим. Шу сабабли ўзимнинг қуйидаги қўшимча ва таклифларимни ҳар иккала ҳужжат лойиҳасига таклиф қиламан.

Дастур лойиҳасининг III-бобида «Демократик йўл билан қабул қилинган қонунлар ва қарорлар ана шу ҳужжатларни онгли равишда ҳурмат қилиш билан, марказда ва жойларда кучли ижрочилик ҳокимияти билан мустаҳкамланиши керак» деган жумладан сўнг **«Партия ҳозирги иқтисодий, сиёсий ва маънавий тангликни ҳисобга олган ҳолда давлат ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш, бутун жамоатчилик ёрдамида жиноятчиликка қарши курашни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди»**, деб ёзиб қўйилса айни муддао бўларди. Шунингдек Дастурнинг IV-бобидаги «...акционерлик, кооператив ва хусусий корхоналар ривожланиши мумкин ва лозим, лекин ишловчиларнинг ижтимоий ҳимояланиши ҳамда улар фаолиятининг ўсишдан давлатнинг иқтисодий назоратини таъминлаш мажбурий шарт қилиб қўйилиши керак», жумласидан сўнг **«Демократик инсонпарварлик жамиятида фуқаро бир томондан ўта бойликка эга бўлган, кишилар кучидан фойдаланувчи олигархияга, иккинчи томондан қашшоқ, ишсиз ёки ярим ишсиз ночор ҳолда турмуш кечираётган табақаларга бўлиниб кетишига қарши чиқади»**, деб ёзиб қўйилса менимча тўғрироқ бўлади. Мен шунингдек, «Партия ерни мерос қилиб қолдириш» сўзбошиси билан бошланадиган биринчи гапни шундай таҳрир этишни таклиф қиламан: **«Партия республика ери умумхалқ мулки, ерга шахсий эгалик қилиш тенгсизликка олиб борувчи йўл, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ерни кимки ўз кучи билан ишласа ижара принциплари асосида эгалик қилишни қўллаб-қувватлайди».** Ундан кейинги «Мулкни давлат эгалигидан чиқариш» сўзбошиси билан бошланадиган гапга қуйидаги жумлани қўшиб қўйишни зарур деб ҳисоблайман: **«Бозор муносабатлари даврида «ҳуфия» иқтисоднётни чеклаш, унинг ҳукмронлигига қарши кескин кураш олиб бориш билан бирга пулнинг қадр-қимматини тиклаш зарур, деб ҳисоблайди».**

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Низоми лойиҳасининг 19-моддасини қуйидаги тарзда таҳрир этиш зарур: **«Бошланғич партия ташкилотига бирлашишни истовчи камида 5 нафар аъзоси бўлган тақдирда посёлка типидаги шаҳар ва қишлоқлар ҳудудида, маҳаллаларда, шунингдек, қонунга хилоф бўлмаган корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмаларида, хўжалик ва муассасаларда партия аъзоларини бирлаштирадиган партия ташкилотлари тузилади. Қишлоқ, шаҳар, ишлаб чиқариш бирлашмаси, хўжаликлар, участка ва маҳаллаларда цех партия ташкилотлари тузиш мумкин. Улар район, шаҳар кенгаши ижроия бюроси томонидан рўйхатга олинади».**

Н. ВАЛИЕВ, партия ва меҳнат фахрийси. Тошкент районидаги Келес шаҳри.

ОРОЛНИНГ ТЎНҒИЧ КОРХОНАСИ

• Мўйноқ балиқ консерва комбинати — 50 ёшда

Амударёнинг қуйи оқимида, Орол денгизининг жанубий қирғоғида Мўйноқ райони жойлашган. Ана шу районда балиқчилик корхонасини вужудга келтиришда анчагина ишлар амалга оширилди. 1926 йилда Орол балиқчилик трести қошида иккита — Мўйноқ ва Урганч балиқчилик корхоналари тузилди. Ўша йили икки корхонада 28 минг 299 пуд балиқ тайёрланди ва 15550 пуд ҳар хил балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Балиқ консервалари комбинати эллик йиллик тарихга эга. Бу корхона Оролбўйи балиқчилигининг тўнғич корхонаси сифатида катта йўлни босиб ўтди. Минтақадаги турдош хўжалик ва корхоналар тармоғи кенгайди.

1931 йилга келиб Мўйноқ балиқ саноати ишлаб чиқариш маркази тузилди. 1932 йилда район балиқчилари мамлакатга 107 минг тонна балиқ маҳсулотлари етказиб беришди. 1935 йилда гўшт, балиқ консервалари комбинати қурилиши бошланиб, у 1940 йилда ишга туширилди. Шу тариқа Қорақалпоғистон балиқчилик саноатини ривожлантириш йўлида катта қадам қўйилди.

Мамлакатга Улуғ Ватан уруши йилларида ҳар йилдагидан кўпроқ балиқ овлаб топширилди. 2759 минг пуд балиқ маҳсулотлари ва 14,6 миллион банка балиқ консервалари етказиб берилди.

Балиқ овлаш ва улардан консервалар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда барча резерв ва имкониятлардан фойдаланилди. 1957 йилда балиқ овлаш кўрсаткичи энг юқори даражага кўтарилди. Ўша йили 251 минг 506 центнер балиқ овлаб топширилди. 1940 йилда бир балиқчи 75,4 центнердан балиқ овлаган бўлса, 1957 йилда ўрта ҳисобда 123,2 центнерданга тўғри келди.

Шундан кейин Амударё, Сирдарё сувларининг камайиб бориши, Орол денгизи сувининг озайиши балиқ овлаш, уларни қайта ишлашга жиддий таъсир кўрсатди. Балиқ овлашнинг суръати ҳам ўтган йилларга нисбатан камая борди.

Балиқ саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти консерва комбинатида барқарор ва мустаҳкам иш билан таъминлашни яхшилашда анча ишлар қилди. Бунинг учун океан балиқларидан консерва ишлаб чиқариш ва банка-қутиларни такомиллаштириш каби технологик усуллар ўзлаштирилди. 1969 йилдаёқ балиқ консервалари ишлаб чиқариш кўлами 1,5 миллион банкага етди.

Кўлларда сувни кўпайтириш ҳисобига балиқчиликни ривожлантиришда дастлабки муваффақиятларга эришилди. 1990 йилдан бошлаб комбинат жамоаси йилига 17 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарадиган бўлди. Ўтган йили 700 тонна қайта ишланган, 500 тонна дудланган, 600 тонна яхлаган балиқлар тайёрланди. Бундан ташқари, 400 тонна балиқ уни, 50 тонна балиқ мойи, 3 тонна техник совунлар ишлаб чиқарилди.

Бирлашмамиз таркибида Мўйноқ, Учсой, Қозоқдарё, Қўнғирот, Нукус балиқчилик корхоналари, Мўйноқ балиқ ўстириш хўжалиги бор. Балиқ консерваси корхонасида 19 та цех ишлаб турибди. Бу корхоналарда балиқчилар, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий турмушини яхшилаш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. 600 ўринли мактаб, 380 ўринли болалар боқча-ясли комбинатида балиқчиларнинг фарзандлари ўқиб, тарбия олмоқда. 250 ўринли клуб, кутубхоналар, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари балиқчилар хизматида. Ҳар бири 16 квартирали учта уй-жой қурилиши тугалланиш арафасида.

Хўш, балиқчиларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга қандай эришилянти? Иқтисодий танглик шароитида зарур маблағлар қаердан олинмоқда? Ҳар йили олинаётган 1,5—2 миллион сўм соф фойданинг асосий қисми балиқчиларнинг ижтимоий турмушини яхшилашга сарф қилинмоқда. Лекин комбинатда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Металл конструкцияларнинг вақтида келтирилмаётганлиги, музлаган балиқ билан таъминлашдаги сусткашликлар, бошқа моддий ресурсларнинг етказиб берилмаётгани ҳам ишлаб чиқариш маромига жиддий путур етказмоқда.

Бирлашма жамоаси комбинатнинг 50 йиллик юбилейини нишонлар экан, шу йилнинг балиқ овлаш ва балиқ консервалари ишлаб чиқариш йиллик режаларини муддатидан олдин ошириб бажаради, камчиликларни бартараф этишда ғайратшижоат кўрсатади, деб ишонтирамиз.

Т. ГЕНЖЕМУРАТОВ, Мўйноқ балиқчилик саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЖАМҒАРМАСИГА

Ўзбекистон Республикасида ишсизликдан ҳимоя қилиш Бутуниттифоқ ижтимоий жамғармасининг бўлими ташкил этилганлиги ишсизлик келтириб чиқарган ижтимоий кескинликни юмшатишга қаратилган тадбирлардан бирига айланди.

Республикада ҳозир 160 га яқин биржа иш олиб бормоқда, улар меҳнат бозорини барпо этиш ишини бошлаб юборди. Қабул қилинган «Иш билан таъминлаш дастури» янги иш жойларини барпо этишни кўзда тутади. Бир ярим йил ичида уларнинг сони 128 мингтага кўпайди. Булар асосан кооперативлар, кичик корхоналар, касаначиликнинг турли шакларидир. Мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги саноат корхоналарининг цехлари ва филиаллари очилиши мақбул бўлмоқда.

Бозор муносабатларига ўтилгач, корхоналар ҳамда ташкилотларни тугатиш ёки қайта ташкил этиш муносабати билан иш жойи қисқариб кетган одамлар Ўзбекистондаги ишсизларнинг анчагина қисмини ташкил этади. Сўнгги ярим йилдагина республикада салкам 5 минг киши ижтимоий ишлаб чиқаришдан бўшатилди. Булар асосан инженер-техник ходимлар ва хизматчилардир. Ишсизлар тоифасига қўшилганларнинг кўпчилигини 16—20 ёшдагилар, шунингдек ёш болали аёллар ташкил этади. Янги ташкилот аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинмаган ана шу тоифаси тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим.

Аслида ташкилий давр тугади, жамғарма фаолиятининг йўналишлари белгилаб олинди, Ўзбекистон Республика акционерлик-тижорат деҳқончилик-саноат банкида 000700235 рақамли ҳисоб варақаси очилди. (Банк коди — 734019), ҳар бир меҳнат жамоаси шу жамғармага маблағ ўтказиши мумкин.

(ЎзТАГ мухбири).

ҒАЙРАТЛИГА ОМАД ЁР

11 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

● ҚУВА. (телефон орқали). Райондаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик режани бажардилар.

— Бу йилги мавсум пахтакорлар учун ғоят самарали бўлди, — дейди хўжалик раиси Мусажон Шербўтаев. — Мустақилликнинг дастлабки меваси сифатида хом ашё харид нархининг эллик фоиз оширилиши, солиқлардан озод қилиш, белгиланган топшириқ ҳажмининг беш фоизи ва режадан ортиқ жами ҳосилни хўжалигимиз эркин тасарруф қилиши натижасида пахтадан олинадиган даромад 11 миллион сўмни ташкил этади.

Режада белгиланган 3208 тонна ўрнига 3250 тонна пахта сотдик. Айниқса, Олимхон Холхўжаев, Турсунбой Ҳайитов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 36—37 центнерга етди. Уруғлик етиштириш давлат режасини ҳам ошириб бажардик. 1500 тонна қимматбаҳо сифатли пахта қўлда териб топширилди.

Биз маслаҳатлашиб, ялпи ҳосилни 4 минг тоннага етказишни келишиб олдик. Янги ҳосилнинг 500 тоннасини алоҳида ғарамларда сақлаймиз ва унинг толасини мустақиллик берган ҳуқуқдан фойдаланиб, ўзимиз истаган жойга сотамиз.

А. АБДУБАННОПОВ.

ЯХШИ КАЙФИЯТ ҲАМРОҲ

Уфққа туташ бепоён пайкалга етиб келганимизда пахта ортган тележкалар қарвони кўзга ташланди. Турнақатор терим машиналари овози қулоқни қоматга келтириб гулдирайди. Қўли-қўлига тегмаётган чевар теримчиларни айтмайсизми! «Оқ олтин» мавсуми довон ошган бўлсада, далаларда қайноқ меҳнат жўш урмоқда.

— Бу ерлар Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Ҳ. Эшонқулов бошлиқ бригадага қарашли, — деди совхоз директори Э. Хоналиев. — Ўзиям 50 гектарли бутун пайкал. Ижарачилар баҳорги жала ва дўл, сув танқислигини енгиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Дала шийпони ёнида бир туп ғўзадаги чаноқларни санадик. 17 та оппоқ очилган чаноқ.

— Бундай ҳосилни кўриб чарчоғинг ҳам чиқаркан, — дея гап бошлади бригада бошлиғи Ҳ. Эшонқулов. — Йўлнинг бир тарафига «Термиз — 16» навли ингичка толали пахта экилган. Ўнг тарафдагиси эса «Юлдуз» навли ўрта толали пахта. Уч марта суғориб, олти марта ишлов бердик. Натижасини кўриб турибсиз.

Ҳаммаси бўлиб 150 гектар ерни ижарага олиб ишлаяпмиз. Бу йил режадаги 405 тонна ўрнига 600 тонна пахта териш мажбуриятини олганмиз. Моҳир механизаторларимиз Ҳ. Шодиев, М. Ҳамроқулов, Ғ. Тиллаев, Т. Ҳамроевлар ўз агрегатлари билан 3—4 тоннадан пахта териб, хирмонга барака киритмоқдалар.

Кўпмингкилограммчи чеварларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Г. Нурова, Д. Козимова, Г. Ражабова, З. Файзуллаева, Г. Абаевалар кунига эл хирмонига 120—130 килограммдан пахта териб тўкишмоқда.

Бригада аъзоларининг айтишича, кунига уларга уч сўмликдан бепул иссиқ овқат берилар экан. Шунингдек, механизатор ва теримчилар кунлик иш ҳақини ўша куннинг ўзида олишяпти.

РЕПОРТАЖ

— Ўтган йили 200 минг сўм даромад олдик, — дейди бригада бошлиғи. — Ҳар бир кишининг ўртача ойлиги 650—700 сўмданга тушмоқда. Бу йилги даромадимиз ҳам ошса ошадики, кам бўлмайди.

— Бугун қанча пахта тайёрлайсизлар? — сўраймиз улардан.

— Мўлжалимиз беш фоиз, — дейишди ижарачилар.

Ижарачилар ўз сўзларининг устидан чиқишларига ишонамиз, чунки баланд руҳ, яхши кайфият ҳамроҳ. Демак, одамлар ўз меҳнатлари самарасига ишонч ҳосил қилиб ишламоқдалар. Бундай манзарани Ульянов районидаги «3-Интернационал» совхозининг бошқа меҳнат коллективларида ҳам кўрдик. Айниқса, Ш. Сафаров, Т. Турсунова, Ю. Бўронов, Б. Мавлонов каби миришкор пахтакорлар бошлиқ бригадаларда меҳнат намунали уюштирилгани учун ҳам йиғим-терим суръати сира сусаяётгани йўқ.

— Тўғри, халқимизда тоғдай сўрасанг, тепадай беради, — деган гап бор,—дейди совхоз директори Э. Хоналиев. — Бу йил 2550 гектар майдондан режадаги 6700 тонна ўрнига 7,5 минг тонна пахта йиғиб териб олишга аҳд қилганмиз. Ҳозир далаларда 64 та терим агрегати ишлаяпти. Улар кучи билан 6,5 минг тонна пахта жамғариб олинади. Қўл теримига икки минг кишини жалб қилдик. Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг теримчилар иш ҳақини ошириш ҳақидаги қарори айни муддао бўлди. Қўлда терилган ҳар килограмм пахтага 40 тийин, механизаторлар териб олган ҳосилнинг ҳар тоннаси учун 25 сўмдан ҳақ берилянти. Кези келганда шуни айтиш керакки, бу йил ёзда 460 гектар ердан гектарига 28 центнердан ошириб, жами 1308 тонна ғалла йиғиб олдик. Қарийб минг хўжаликка юз килограммдан дон берилди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, ўқитувчи, шифокор ва бошқа касб эгаларидан иборат кам даромадли 260 хўжаликка 200 килограммдан арзон нархда буғдой тарқатилди. Республикамиз меҳнат аҳли қатори мустақиллик эпкинидан руҳланган пахтакорлар хирмони тобора юксалаётир.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Учқўрғон районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил минг гектар ерда деҳқончилик қилиб, режадаги 32 ўрнига 40 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқда. Етиштирилган ҳосилнинг 90 фоизини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилган хўжалик пахтакорлари шу кунларда мажбуриятни ҳам барвақт бажариш учун терим суръатини тобора оширмоқдалар.

Абдумалик Мамадиев бошлиқ ижарачилар звеноси йиғим-теримда намуна бўлмоқда.

СУРАТДА: звено аъзоси, чевар теримчи Офтобхон ЭРГАШЕВА. У кунига 200—210 килограммга етказиб пахта тераётир.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

РОМИТАН МАРРАГА ЕТДИ

Ромитан райони пахтакорлари ҳам йиллик режани бажарганликлари тўғрисида рапорт беришди. Давлатга 40 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Унинг 22,5 минг тоннаси машиналар бункеридан бўшатилди.

Наримонов номли, Ленин номли, К. Маркс номли жамоа хўжаликлари, «Октябрь 70 йиллиги», «Октябрь 50 йиллиги», Ибн Сино номли, «Партия XXVI съезди» давлат хўжаликлари ютуқ салмоқли ҳисса қўшдилар. Илғор механик-ҳайдовчилар Ж. Жабборов, О. Тўқсонов ва бошқалар 150—200 тоннадан пахта теришди. И. Тошев, Ў. Ражабов, М. Раҳмонов, С. Файзиев, Я. Раупов, С. Рамазонов, Н. Назаров бошлиқ бригадалар энг юқори ҳосилдорликка эришишди.

Ромитанлик пахтакорлар давлатга яна беш минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини зиммага олишди.

Н. НАИМОВ.

ПЕШҚАДАМ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

«Москва» жамоа хўжалигига етиб келганимизда соат ўн бирлар чамаси эди. Ҳаводаги булут борган сари қуюқлашарди. 7-бригада даласига жўнадик. Кенг пахтазор чеккасида турган бригада бошлиғи Хурсандбой Бўрибоев осмонга бир қараб қўйди. Хавотирда.

— Эрталаб бироз ёғиб, ишнинг белига тепаёзди, — деди у. Бугун йиллик мўлжалнинг 6 фойизи миқдорида пахта териб олмоқчи эдик. Кеча 9 фойиз топширувдик. Ахир, 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтаришга сўз берганмиз-да. Бултур ҳам шунча хирмон кўтаргандик. Аммо бу йил ҳосилимизнинг чўғи баланд кўринянти. Маррага ҳам яқинлашиб қолдик. Ҳар куни 3 та машина ишлаянти.

Бу бригада 9-бригада жамоаси билан мусобақадош экан. Унга ишнинг кўзини биладиган уста пахтакор Холдорбой Расулов бошчилик қилади. Улар ҳам бултур гектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтаришган. Бу йил 55 гектар ерда деҳқончилик қилишди. Бу ерда ҳам терим суръати жадал. Аммо бугун ёғингарчиликнинг анча-мунча зарари тегди, суръат пасайди. Ҳаво очилиши биланоқ яна отга қамчи босилади...

Бу бригадаларнинг пахтакорлари йиллик маррани хўжаликдагина эмас, балки Чиноз районида биринчилардан бўлиб эгаллашига ишончимиз комил. Пешқадамлар ўтган йили ҳам биринчилардан бўлиб маррани эгаллашган эди-да!

Куннинг иккинчи ярмида ҳаво чарақлаб кетди. Далаларга яна машиналар кирди. Кутганимиздек, йиғим-терим қизиб кетди!

Хўжалик далаларида ҳозир 11 та «зангори кема» тўхтовсиз ишлаянти. Ҳар куни йиллик мўлжалнинг 10—15 фойизи миқдорида ҳосил топширилмоқда. Ҳар гектардан мўлжалдаги 29 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш ниятиёқида меҳнат қилаётган москваликлар ғанимат фурсатлардан омилкорлик билан фойдаланишаётир.

Ўтган йили хўжалик аъзоматлари районда биринчи бўлиб ғалабага эришган эдилар. Бу йилги аҳд ҳам ана шундай! Буни қарангки, хўжалик, илгарилари кам даромадли бўлиб, давлатдан икки миллион сўм қарздор бўлиб қолган эди. Ўтган йиллар мобайнида қарзлардан тўла қутилишди. Хўжалик илғорлар қаторидан ўрин олди. Аввалари 24 центнердан ҳосил берган ерлар ҳосилдорлиги 9—10 центнерга ошди. Даромад ҳам кўпая бошлади. Ишнинг машиналар гарданига юкланаётгани қисқа муддатларда йиғим-теримни ёғин-сочинга қолдирмасдан саранжомлаб олиш имконини бераётир. Бу ерда ҳосилнинг 80 фойизини машиналарда териб олиш кўзда тутилган. Ғулом Умаралиев, Владимир Курмак сингари суворийлар ҳар куни ўз машиналари бункеридан 7—8 тоннадан пахта тўкиб, ҳурмат қозонишмоқда.

Меҳнат беллашувида Нишон Мусаев, Абдужаббор Дўсимбетов бошлиқ бригадалар айниқса яхши натижаларни қўлга киритишяпти. Хўжаликдаги 8 та пахтачилик бригадасининг ҳаммасида бугун терим суръати чакки эмас. Мақсад — фақат йиллик режанигина эмас, балки мажбуриятни ҳам биринчилар қаторида бажаришдир.

Т. УНАБОЕВ, «Ўзбекистон овози»нинг жамоатчи мухбири.

САФАРБАРЛИК

Сентябрнинг охирги кунлари рўй берган ёғин-сочин туфайли Фарғона вилоятида йиғим-терим ишлари бир мунча қийинлашган эди. Кўп хўжаликларда пахта тайёрлаш суръати кескин пасайди. Аммо қуёш йилт этиб чиқиши билан вилоятда катта сафарбарлик бошланиб кетди. Чунки барча далаларда ҳосил қийғос пишиб етилган. 24 минг гектар майдонда ҳали биринчи терим ҳам ўтказилмаганди. Машина терими ўтказилган пайкалларда тозалов ишлари ташкил этиляпти. Хўжаликлар бирин-кетин маррага етиб келмоқдалар.

Куни-кеча Ленинград районидаги Энгельс номли жамоа хўжалиги аъзолари пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. 1091 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34,3 центнердан юқори сифатли ҳосил олинди. 3745 тонна ўрнига жами 3800 тонна пахта топширилди. Д. Турғунов, А. Ҳошимов, М. Қўлдошев, Қ. Эргашев, А. Жўраев, Ж. Камолов сингари тажрибали пахтакорлар бошқараётган бригадаларда ҳар гектар ердан 40—48 центнердан ҳосил олинди.

Хўжалик пахтакорлари далалардаги ҳосил чўғини чамалаб кўриб, қўшимча равишда яна 600 тонна маҳсулот топшириш, ҳосилдорликни 40 центнерданга етказишга қарор қилдилар.

Вилоятда бундай илғор хўжаликлар кўп. Бугунги кунда бутун куч-ғайрат ҳосилни тўлиқ йиғиштириб олишга қаратилган. Ҳосил тақдирини техника ҳал этиши маълум. Шу кунларда 1800 та терим машинаси, кўрак узиш ва чувиш агрегатларини тўла ишга солиш чоралари кўрилмоқда.

А. ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Фарҳод МУСАЖОН

ТАҚДИРИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ЎЗБЕКИСТОН ИМИЗНИНГ мустақил Республика деб эълон қилиниши қалбларимизни севинч ва ифтихор туйғуларига тўлдирди.

Мустақиллик эълон қилинди, аммо уни тўла амалга ошириш машаққатли ва мураккаб иш. Кўп тер тўкиш ва азият чекишга тўғри келади. Ҳамма нарса битта одамнинг — Президентимизнинг ихтиёри билан ўзидан ўзи ўзгариб кетаверади, деган фикрда олма пиш, оғзимга туш, деб ўтирсак яна ўша-ўша қийинчилик, тақчилликдан қутулмаймиз, ялқов ва лоқайдлик оёқ остида ўралашаверади.

Ҳамма оғирликни ҳукумат аъзолари, чунончи ёлғиз Президент ёки вицепрезидентнинг зиммасига юкламай, биз ҳам жон ачитайлик. Барча халқ бир тан, бир жон бўлиб сафарбарлик эълон қилсак кўзлаган мақсадга эришишимиз мумкин.

Имкониятдан фойдаланадиган пайт келди. Кескин ва қатъий чоралар кўришдан, бир-биримизга нисбатан талабчан бўлишдан чўчимайлик.

Агар юрт тана бўлса, унинг томирларида оқаётган қон бу — тил. Томирида бегона қон оқадиган давлат сохта, омонат, мўрт давлат. Уни ҳатто етмиш йил мажбурлаб сақлаб туриш мумкин, аммо у барибир қулайди ва биз бунинг гувоҳи бўлдик. Ўз она тилида сўзлашиш, иш юритиш ҳуқуқидан маҳрум халқ — тирик мурда, бундай мамлакатда демократия, мустақиллик ҳақида гапириш беҳуда вақт сарфлашдир.

Бинобарин мустақиллик томон қўядиган биринчи қадамимиз давлат мақоми берилган тилимизни ҳаётимизга кенг ва тўла жорий этишдан бошланмоғи даркор. Турли кенгаш ва мажлислар, барча ҳужжатлар, корхона ва муассасалар ўртасидаги ёзишмалар, хуллас ҳамма иш қонун асосида давлат тилида олиб борилмоғи лозим. Бу масалада майда ёки аҳамиятсиз нарса йўқ.

Хўш, давлат тилида иш олиб бориш қандай аҳволда? Менимча, қониқарсиз, деб айтган тўғрироқ. Бунга биринчи навбатда кўп ҳолларда катта-кичик раҳбарлар айбдор. Ҳа, айнан катта-кичик раҳбарлар, чунки жойларда ҳокимият ўшаларнинг қўлида.

Аксарият раҳбарлар ўзбек тилини ўрганишга ва барча ишларни шу тилда олиб боришга астойдил ҳаракат қиляптилар. Бироқ бу ишда фаоллик кўрсатмаётган раҳбарлар ҳам кам эмас. Улар бир неча тоифага бўлинади.

БИРИНЧИ тоифа раҳбарлар аслида ўзбек тилида иш олиб боришни истайдилар. Бироқ улар ўз она тилларини умуман билмайдилар ёки чала-чулпа гаплаша оладилар. Шунинг учун кенгаш ва ишларни рус тилида олиб бориш улар учун қулай. Бундай раҳбарларни тушуниш мумкин — улар русча мактаб ва олий билимгоҳларда таълим олганлар, узоқ йиллар ўз иш жойларида рус тилида сўзлашиб, русча ҳужжатлар тўлғизганлар. Шу боис давлат тилига кўчиш қийин. Бундайларга нисбатан сабрли бўлайлик, ўрганиб қоларлар.

Яна бошқа тоифа раҳбарлар тилимизга нисбатан анчайин лоқайд ва бефарқлар, ўзларини уринтиргилари, жонларини ачитгилари келмайди, маош вақтида келиб турса бўлди уларга. Бошқалар ҳаракат қилиб тилимиз росмана давлат мақомига эга бўлганидан кейин улар тайёрга айёр бўлиб, бизнинг заҳмат чекканимиз оқибати бу, деб керилиб юрадилар. Ҳа, содда муғомбирлардан улар.

Яна бир хил раҳбарлар иккиюзламачи риёкорлар, катта анжуманларда давлат тилини ёқлаб бонг урсаларда, амалда ўз муассасаларида ишни ҳамон рус тилида олиб боряптилар. Сал бўш келсак улар ўз она тилларида иш олиб боришга очиқдан-очиқ қарши чиқишдан ҳам тоймайдилар. Аммо на чора, Президентимизнинг ўзи давлат тилида гапираётган экан, улар қандай журъат этсинлар исён кўтаргани?! Ҳа, аламлари ичида шўрликларнинг.

Яна бошқа тур бошлиқлар ўта эҳтиёткор, ўта қўрқоқлар, ўзларига ишонмай, ҳадиксираб, атрофга олазарак бўлиб иш тутадилар. Масъулиятни бўйнига олиб қатъий ва кескин чоралар кўриб ишлаш улар учун дўзох азобига тенг. Ходимлардан бирортаси кенгашларда рус тилида сўзлашса, ариза, васиқа ва бошқа ҳужжатларни рус тилида ёзиб келса бундай раҳбар ўла қолса давлат тилида сўзлаш ёки ёзиб кел дейишга журъат этмайди.

Яна бир тоифа раҳбарлар чизилган чизиқдан чиқмайдиган, айтганини қиладиган ижрочилар. Қонларига итоаткорлик руҳи сингиб кетган бу кимсалар ҳеч қандай ташаббусга қодир эмаслар. Ҳужжатлар давлат тилида ёзилсин, деган кўрсатмани сўзсиз ижро учун қабул этганлару аммо бажаролмайдилар, токи айнан қайси ҳужжатлар ўзбекча бўлиши ҳақида номма-ном саналган рўйхат юборилмагунича писиб ўтиравердилар. Бу бояқишларни ҳам тушуниш мумкин. Ўзини Компартия деб, зўғм-тазйиқ ўтказишга ўрганиб қолган кимсаларнинг, ўринсиз мафкуранинг қурбони улар. Етмиш йил давомида партия катта-кичик раҳбарларни гап қайтармайдиган — қарорларни бир оғиздан қабул қилиш руҳида тарбиялади. Аксарият ўз фикрига эга бўлиши у ёқда турсин, умуман фикр юритиш, мулоҳаза қилишдан маҳрум этилган эди. Юқоридан туширилган қарорни ҳеч қандай муҳокамасиз, якдиллик билан қабул қилиш ва ижро этиш ҳар бир коммунист учун шарафли бурч ҳисобланар эди.

Яна бир тур раҳбарлар «беозор» кунгабоқар, буқаламунлар. Булар ҳаммага ёқиш учун ҳамма нарсасини сотишга тайёр, чунки улар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Ўзбекларнинг орасига тушсалар тилимизга давлат мақоми бериш керак, деб қуйинадилар, русларнинг орасига тушсалар юзларига аянчли тус бериб «нима кераги бор бир тилликнинг, жаҳолат-ку бу, икки тиллиликка нима етсин» дейдилар. Бирор ўзгариш қилиш учун мардлик кераклигини тушунмайди улар.

Катта-кичик раҳбарлар ҳукумат билан халқ орасидаги кўприк воситасини ўтайдилар. Ҳукумат қарорларини халққа етказадиган ва жойларда амалга оширадиган куч ҳам худди шу раҳбарлар. Шундай экан уларга нисбатан талабчанликни янада кучайтирмоқ даркор.

МУСТАҚИЛ давлат яратишда бирор эпақали натижага эришмоқчи эканмиз, ландовур, қўрқоқ, ҳар нарсадан ҳадиксировчи иккиюзламачи, нотавон ва ношуд раҳбарларга қарши кескин кураш эълон қилиш керак, энг ашаддий сурбетлар ишдан ҳайдалсин, шундагина бошқалар астойдил ва ҳалол ишлашга киришади. Акс ҳолда ботқоқдан чиқиш ўрнига чуқурроқ ботиб кетаверамиз.

Беисбот сўз ҳар кимга ҳам оғир ботади, шунинг учун раҳбарлар фаолиятига оид бир-иккита мисол келтираман. Мен Ўзбекистонимизнинг шаҳар ва қишлоқларини кўп кезаман, ҳамма жойда битта ёзувга дуч келаман, бу — «пост ГАИ». Бу ташкилотнинг номи ўзбекча ёзилганини учратмадим. Давлат автомобиллари назорати ўрнига ҳамма ерда ГАИ деб ёзилади. Минглаб енгил автомобиллар биқинида ҳам шу ёзув — ГАИ! Нечун халойиқдан қоидаларни бузмасликни талаб қиладиган тартиб соқчиларининг ўзлари давлат тили ҳақидаги қонунимизни бузадилар? Наҳотки Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти орасида бу ҳақда бош қотирадиган бирор кимса топилмаса?! Ёки улар учун бу ишни ҳукумат аъзолари қилиши керакми?

Бошқа мисол. Республикамиз аэропортларида ўзбекча ёзувни учратиш амри маҳол. Ҳали ҳам «камера хранения», «расписание рейсов», «выход на посадку», «задержка рейсов», «выдача багажа», «начальник смени», «диспетчер» ва ҳоказо ёзувларни учратиш мумкин. Хўш, бу ёзувларни ҳам шахсан Президентнинг ўзи бориб ўзгартириши керакми?

Яна мисол. Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг деярли ҳаммасида маҳсулот ва корхона номи, қўшимча тушунтириш матнлари рус тилида ёзилади. Транспорт воситалари — самолёту поезддан тортиб автобусу трамвайгача ҳаммасининг чипталари русча. Кинотеатр ва стадионлар чипталари ҳам бундан мустасно эмас. Қизиқ, шу ташкилотларнинг мутаддилари қачон ўз билгиларича иш тутиб ташаббусни қўлларига оларкинлар ёки улар ҳам шахсан юқорининг аралашувини кутиб ўтиравермикинлар?!

Яққол бир мисол. Пойтахтимиз ва жумҳуриятимиз йирик шаҳарларида барча «справочная»лар (маълумот бериш муассасалари ва 01, 02, 03, 09 рақамли аҳолига тез ва зарур ёрдам беришга чорланган ташкилотлар) қачон давлат тилида иш олиб борадилар? Бу бевосита шаҳар маъмурияти шуғулланадиган иш эмасми?

Яна бир мисол. Жумҳуриятимиз ҳудудида жойлашган кўплаб ҳарбий қисмлар ва билим юртларида битта сўз тугул битта ўзбекча ҳарфни ҳам учратмаймиз. Мажлислар қайси тилда олиб борилаётганига эса мисол келтиришнинг ҳожати йўқ. Негаки энг олий кенгашларни истисно қилсак, пойтахтимиз корхона ва муассасаларида мажлисларнинг тўқсондан ортиқ фоизи ҳамон рус тилида ўтказиляпти. Маҳаллий раҳбарларимиз бундай ҳолга чек қўймас эканлар мустақиллик ҳақидаги ниятларимиз юракда армон бўлиб қолаверади.

Тўғри, раҳбарларнинг ичида бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Шу муносабат билан ерли халқ билан мулоқот қиладиган соҳа бўлса ўша маҳкама раҳбари тилни ўрганиши керак, деган қонун қабул қилганмиз. Кўпчилик бажонидил ўрганяпти тилимизни, аммо баъзиларга малол келяпти бу иш. Сир эмас, неча ўн йиллаб халқимиз билан ёнма-ён яшаб, ҳатто биттагина ўзбекча сўз — «раҳмат» дейишни ҳам ўрганмаган кимсалар бор. Бундайлар қонунга риоя қилмаяптилар. Майли, ҳеч кимни зўрлаш керак эмас, тил ўрганиш ихтиёрий бўлсин. Ўрганишни истамаганлар марҳамат қилиб эгаллаб турган курсиларини ўзбекчани биладиган ҳамкасбларига бўшатсинлар-да, ўзлари тил билиш шарт бўлмаган соҳада ишлайверсинлар. Бу бизнинг инжиқлигимиз ёки такаббурлигимиз эмас, бу давр тақозоси — биз ўз юртимизда ўз тилимизда иш олиб боришга қарор қилдик. Бу тадбирни бирор миллат вакили ёки бирор тилни камситмаган ҳолда амалга оширамиз. Халқимизни, урф-одатларимизни, тилимизни ҳурмат қиладиган ҳар қандай миллат вакилига қалбимиз очиқ, улар билан ҳамкорликда ишлашга тайёрмиз.

АКСАРИЯТ ташкилотларда ёзишмалар ва кенгашлар ҳамон рус тилида олиб борилаётганининг яна бир сабаби бор. Гап шундаги кейинги ўн йилликларда ўзбек тили йўқсиллар тилига айланганди. Амалдор зодагонлар рус тилини танлашган, ўзбек тилида сўзлашиш қолоқлик ёки маданиятсизлик аломати эди. Юқори табақага мансуб эканликларини кўрсатмоқчи бўлганлар рус тилида сўзлашар эдилар. Фарзандларини рус мактабларига бериш ҳам шундан эди. Нуфузли лавозимда, ёғли жойда ишламоқчи бўлсанг албатта рус тилини билишинг керак эди.

Рус тилига бўлган бу муносабат ҳали ҳам ўзини сездириб келмоқда. Энди тескариси бўлсин, ўз тилини билмаслик, давлат тилида иш олиб боришни эплолмаслик ўта маданиятсизлик ва саводсизлик деб ҳисоблансин. Бундайларнинг жазоси — эл назаридан қолиш бўлсин.

Катта-кичик раҳбарларимиз бошқарадиган кенгашу мажлислар наф келтиришини истасак уларни нафақат давлат тилида, балки холис мунозара тариқасида ҳам ўтказайлик. Баъзи кенгашларнинг савияси шу қадар пастки улар гўё номига ёки фақат вақтни исроф қилиш учун ўтказилаётгандек туюлади. Гўё олдин қаердадир кенгаш ўтказилиб, асосий масалалар ҳал қилиб бўлинган, буниси хўжакўрсинга бўлаётгандек. Ўзгаларнинг гапини тушуниб-тушунмай маъқуллаш нодонларнинг иши, ҳар қандай гапни бир овоздан қўллаб-қувватлаш лаганбардорларнинг ҳунари, чатоқ гапни тўғри деб тасдиқлаш амалпарастларнинг ҳийласи, шунинг ҳаммасини кўра била туриб «миқ» этмай ўтириш қўрқоқлар қисмати. Минг афсуски баъзи кенгашларда айрим фуқаро ва раҳбарларимиз ўзларини шу тариқа тутяптилар.

Балки мен янглишаётгандирман. Кошки эди мен нотўғри бўлсаму барча раҳбарларимиз ҳалол ва ростгўй, диёнатли ва ҳақиқатпарвар бўлсалар, ўшанда мустақил давлат барпо этишимиз анча енгил кўчарди. Ҳар ҳолда катта-кичик раҳбарларимиз қанчалик доно ва ишбилармон бўлмасинлар ўзларини халқдан юқори қўймай тенг тутсалар, халқни берса ейдиган, урса ўладиган, бировга қарам, нотавон ва қолоқ кимсалар ҳисобламай, ҳар ишга қодир оқилли инсонлар деб тан олсалар, халққа ишонсалар мустақилликка эришишимиз муқаррар. Тез ва осон эришишимиз ҳақ.

Хуллас, қиладиган ишларимиз кўп. Уларни Президентимиз айтишини кутиб ўтирмай, ўзимиз билиб қилайлик. Аввало ахлоқ, маънавият, мафкурамиз савиясини кўтаришга киришайлик. Одоб ва маданиятимиз даражаси паст бўлар экан, росмана ҳамжиҳатликка эриша олмаймиз. Бир миллат фарзандлари бўла туриб бир-биримизни «экстремист», «диктатор», «иғвогар», «золим», «бузғунчи», «ҳокими мутлоқ», «душман» каби сўзлар билан ҳақоратламайлик. Айниқса биз зиёлилар сўз танлашда эҳтиёт бўлайлик. Оддий халқ бизни ҳақиқатан ҳам зиё тарқатувчилар ҳисоблайди. Демак ишончни оқлаб, шаллақилик ва шаккоклиқдан, сўкиниш ва ҳақоратдан, бўҳтон ва туҳматдан тилимизни тияйлик. Одобли мунозара ўтказишнинг ибрат ва намунасига айланайлик. Ахир азалдан олижаноб ва андишали халқмиз-ку, баҳсларимиз маслаҳат тариқасида вазмин ва сокин ўтган-ку. Нечун энди жанжалкашларга айланиб бир-биримизни бадном этамиз ?!

Сафларимиз жипслашишини истасак бир-биримизга нисбатан хайрихоҳ ва сабр-тоқатли бўлайлик, айни пайтда мунозара ва баҳсдан воз кечмайлик. Ҳақиқат баҳсда туғилишини биз ҳам исботлайлик. Бир-биримизга камчиликларимизни рўйирост айтишдан чўчимайлик ва энг муҳими холис танқиддан ранжимайлик, қўрқмайлик. Танқиддан қўрққанимиз — ўлганимиз, унда яна ўзимизни шира босиб турғунлик ботқоғига ботамиз, кимларгадир сажда қилиб яшовчи қулларга, алёр айтишдан бошқага ярамайдиган манқуртларга айланамиз. Иш бор жойда хато ҳам бўлади. Мевали дарахтга тош отилади. Бинобарин қўрқиш ўрнига танқид йўқ бўлиб кетса, ташвишга тушайлик, чунки танқид йўқ экан, демак эпақали, арзигули иш ҳам қилинмаяпти, деган гап.

Бизда эса, менинг назаримда, оламшумул ишлар қилинаяпти, туб ўзгаришлар содир бўляпти, халқ қайта тириляпти. Менинг бу саволли ва хайрли ишларга барака тилагим келади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда ҳагосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

Ҳурматли муштарийлар!
«Ўзбекистон овози»га обуна давом этмоқда

КАРТОШКАНИНГ БОЗОРИ ЧАККОН

БИРОҚ ХОРИЖДАН СОТИБ ОЛИНГАН УШБУ ТАҚЧИЛ МАҲСУЛОТНИНГ ҚАЧОН ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҚЎЛИГА ЕТИБ БОРИШИ ЖУМБОҚ БЎЛИБ ТУРИБДИ

Жумҳурият ҳукумати истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида Польша республикасидан мол айрибошлаш (бартер) эвазига картошка сотиб олишни йўлга қўйди. Яқинда маҳсулот ортилган дастлабки вагонлар жумҳурият ҳудудидаги темир йўл станцияларига етиб келди.

Афсуски, уни ўз вақтида тушириб олиб, истеъмолчиларга етказиб бериш юк эгаларининг айби билан кечиктирилди. Натижада аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулоти очиқ ҳавода қолиб айнимоқда. Энг ёмони, иқтисодиётга ҳам, аҳоли манфаатларига ҳам зарар етказилмоқда.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг 29 сентябридан 7 октябригача жумҳуриятимизга 3200 вагон картошка келтирилди. Афсуски, шундан 1230 вагони белгиланган муддатда тушириб олинмади.

Хўш, кимлар, қайси ташкилотлар халқ учун зарур бўлган маҳсулотни ўз вақтида тушириб олмай, хотиржамликка сусткашликка йўл қўйишяпти? Ушбу саволга биринчи навбатда Ўзбекистон мева-сабзавот ва узумчилик давлат кооператив концерни ҳамда жумҳуриятнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш, сақлаш ва сотиш давлат-кооператив бирлашмаси қарамоғидаги корхона ва ташкилотлар, деб жавоб бериш мумкин.

Мисоллар дейсизми? Марҳамат. «Назарбек» темир йўл станциясида «Ўзбекистон» концернининг Чилонзор улгуржи савдо идорасига тегишли 30 вагон картошка 4 октябрдан бери тушириб олинганн йўқ. Тошкент вилоятидаги Шумилов станциясида эса «Узсортсемовощ» бирлашмасига тегишли 23 вагон картошка 5 октябрдан буён эгасини кутмоқда. Худди шу станцияда Киров район мева-сабзавот улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 11 вагон, «Ўзбекистон» концерни мева-сабзавот омборига тегишли 21 вагон картошка 6 октябрдан бери қантариб қўйилган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш, сақлаш ва сотиш жумҳурият кооператив бирлашмаси қарамоғидаги ташкилотлар ҳам ўз юкларини белгиланган вақтда тушириб олмасдан, темирйўлчиларни ҳам, истеъмолчиларни ҳам ранжитишяпти.

Масалан, Тошкент вилоятидаги «Бўзсув» темир йўл станциясидан шу бирлашмага қарашли Паркент ва Коммунистик районлари тайёрлов идоралари 15 вагон картошкани 5 октябрдан буён олиб кетгани йўқ. Қорақалпоғистондаги Қўнғирот станциясида район тайёрлов идорасига тегишли 3 вагон, Самарқанд вилоятидаги Жомбой темир йўл станциясида эса тайёрлов идораларига тегишли 6 вагон картошка уч-тўрт кундан бери эгаларини кутяпти.

Хўш, мутасадди раҳбарлар-чи? Улар аҳволни ўнглаш, маҳсулотларнинг айнимасдан истеъмолчилар қўлига етиб бориши учун қандай чоралар кўришяпти?

— Биз тегишли чораларни кўряпмиз, — дейди «Ўзбекистон» концерни раиси нинг биринчи муовини Ҳ. Раҳматуллаев. — Ҳозиргина Шумилов, «Қизил тўқимачи» станцияларига иккита вакилимизни жўнатдик. Очиги, дам олиш ва байрам кунлари картошкани тушириб олиш суст борди. Ўйлайманки, буёғига ишни тезлатиб юборамиз.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш, сақлаш ва сотиш жумҳурият кооператив бирлашмаси мутасадди вакили О. Муталовнинг гапига қараганда, бирлашмада 8 октябрь куни маҳсулотни ўз вақтида тушириб олиш ҳақида мажлис бўлган экан. Агар дастлабки картошка ортилган вагонлар жумҳуриятга 29 сентябрь куни келганини ҳисоблайдиган бўлсак, ўн кундан кейин бундай мажлис ўтказишнинг фойдаси бормикин? Бунинг ўрнига маҳсулотни тез тушириб олишнинг амалий чоралари кўрилса бўлмасмиди? Қайтанга темирйўлчилар улар учун қайғуришяпти.

— Биз юк станцияга келгандаёқ эгаларини хабардор қиляпмиз, — дейди Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси юкларни тушириш бўлими катта муҳандиси Г. Хомякова. — Лекин юк эгалари маҳсулотни тезроқ тушириб олишга шошилишмаяпти. Қарангки, юкнинг ўз муддатида туширилмаганн учун беш баравар миқдорда жарима ундириб олаётганимиз ҳам уларга таъсир қилмаяпти. Тўғриси, бу корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ўз ҳаловатларини халқ манфаатларидан юқори тутишларини қандай баҳолашга ҳам қийналасан. Ахир, наҳотки жумҳуриятнинг ҳукуматининг шунчалик саъйи-ҳаракатлари эвазига келтирилган маҳсулот вагонларда чириб ётаверса?!

Дарҳақиқат, Галина Николаевнанинг қуйинганича бор. Польша картошкаси деҳқонларимиз қадоқ қўллари билан етиштирган пахта эвазига келмоқда. Бунинг устига ҳозирги шароитда марназ донрасидан чиқиб хориж билан тўғридан-тўғри алоқа қилишнинг ўзи бўладими? Шундай бир пайтда тайёр ошни халққа етказмасдан хотиржамликка берилаётган айрим раҳбарлар фаолиятига қойил қолмайсан киши. Ахир мустақил жумҳуриятнинг халқи манфаатларини ўйлаш биринчи навбатда уларнинг бурчи бўлиши керак-ку!

Бугунги кунда ушбу ҳақиқатни унутган раҳбар халқ ишончига сазовор бўлолмайди. Шундай экан, масъулиятни ҳис қилган ҳолда тадбиркорлик билан иш юритиш керак. Ўйлаймизки, «Ўзбекистон» концерни, «Узкоопзаготторг» бирлашмаси раҳбарлари буни яхши тушунадилар ва юқоридаги муаммони тезроқ бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирларини кўрадилар.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

• Бетга айтганнинг заҳри йўқ

«ЎЗГАЧА» МЕЗБОНЛИК

Биз, Тошкентга меҳмон бўлиб келган уч киши — Фориш районидаги Фориш давлат хўжалиги 3-бўлимида истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши II гуруҳ ногирони Бозор Қурбонов, Бухоро вилоятидаги «Коммунизм» жамоа хўжалигидан Сафар Худойбердиев ва Жиззах вилоятидаги «Ҳамза» давлат хўжалигидан Эргаш Тўраев тунаш учун шаҳардаги «Хадра» меҳмонхонасига бордик. Ногиронлиқ ҳақидаги гувоҳномамизни кўрсатишимизга қарамасдан, афсуски, у ердан жой ололмадик. Навбатчи қизга: «Узоқдан келганмиз, кеч бўлиб қолди, шаҳарда борадиган жойимиз йўқ», деб зорланишимиз ҳам кор қилмади. Аксинча, у: «Ногирон бўлсанг бўлибсан-да, барибир жой бермайман», деб қўпол муомала қилганича кетиб қолди. Роса икки соат кутдик. Келди. Яна илтимос қилдик. Афсус, бу сафар ҳам жой олишга муяссар бўлмадик. Навбатчининг фамилиясини сўрагандик, у айтмай чироқни ўчириб яна кетиб қолди. Меҳмонхона директорини сўрасак, йўқ деди. Сўнгра ўзимиз чироқни ёқиб, акт ва арз ёзишга киришдик. Бироқ шу маҳал меҳмонхона қоровули келиб, бизга жой берди. Буни қарангки, жой бор экан. Уччовимиз ҳам жойлашдик.

Уч соатдан ортиқ овора бўлганимиз, бу вақтда эса бошқалардан ортиқча 20 сўмдан пул олиб, бемалол жой бериб турилгани бизга жуда алам қилди. Уччовлашиб меҳмонхона навбатчиси устидан арз битдик.

Ҳурматли таҳририят! Ушбу воқеа 1991 йил 24 июлда бўлганди. Арзни ҳам ўша куни ёзгандик. Ўйлаб-ўйлаб охири уни сизларга юборяпмиз. Шояд рўзномангизда эълон қилсангиз-у, бу ҳангома — пойтахт меҳмонларига бундай «ўзгача» мезбонликдан тегишли мутасаддилар хабар топишса.

Бозор ҚУРБОНОВ,
Улуғ Ватан уруши II гуруҳ ногирони, Фориш райони.
Сафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Бухоро вилояти.
Эргаш ТУРАЕВ,
Жиззах вилояти.

● Республика халқ маорифи аълочиси Салимжон Эргашев 30 йилдан ошдики, Қўқон шаҳар «Ёш техниклар» станциясида ёғоч ўймакорлигидан шогирдлар тайёрлайди. Мураббий ўз шогирдлари билан буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб муносиб туҳфа тайёрлади.

Штатсиз суратқаш мухбиримиз Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган бу лавҳада С. Эргашев билан Отамирза Холмирзаевни яратилган асар ёнида кўриб турибсиз.

• *Акс-садо* **МУАММО ЕЧИМИНИ КУТАДИ**

Рўзноманинг 24 сентябрь сонида босилган «Етти ўлчаб бир кесилса...»сарлавҳали мақолани биз диққат билан ўқиб чиқдик. Чунки унда бизларни ташвишлантираётган муаммо ўртага ташланган.

Дарҳақиқат нафақаларни тарқатиш учун Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тузилган кичик корхоналар мутлақо лозим эмас. Бу тадбир қўшимча харажатлар билан бирга алоқа ходимлари манфаатига ҳам жиддий зиён етказади. Вақтли матбуот нашрларини обуначиларга ўз вақтида етиб боришига тўсиқ бўлади.

Биз ушбу телеграммага қўл қўювчи шаҳрихонлик 230 алоқа ходимлари мақолада айтилган фикрларга тўла қўшиламиз ва бу масалани жумҳуриятнинг Вазирлар Маҳкамасидан тезроқ ҳал қилиб беришни сўраймиз.

Шаҳрихонлик алоқачилар номидан
Ҳасанбой АБДУРАҲИМОВ.

Ф. СП–1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. | жойи | 64583 (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна сони
янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Обуна баҳоси:

бир йилга — 25 сўм 68 тийин;
ярим йилга — 12 сўм 84 тийин;
уч ойга — 6 сўм 42 тийин.
Нашр кўрсаткичи — 64583

НИШ ВА ЖИЛОЛАГИЧ

Куни кеча Тошкентда бир марта фойдаланиладиган тиббий игна заводи ишга туширилганлиги ҳақида матбуотда хабар берилган эди. Бугун эса «Алгоритм» заводида ташкил этилган тиббиёт анжомлари кичик корхонасида ҳам яна бир янгиликни ўзлаштиришга киришилди. Бу шифохоналарда беморлар қонини таҳлил қилиш учун бармоққа уриладиган ниш, яъни скарификатордир.

Кичик корхона директорининг ўринбосари Музаффар Каҳҳоров, ана шу янгиликни шарҳлаб берди.

— Жумҳуриятимиз барча шифохоналарида ишлатиладиган бундай майда ниш асбоблари чет эллардан келтирилар ва уларни стерилизация қилишга кўп меҳнат сарфланарди. Биз бундай машақатга барҳам бериш мақсадида «Узмедтехника» билан келишилган ҳолда ана шу митти ускунани ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Дастлаб 40 миллион дона маҳсулот тайёрланди. Иш авжига чиққан пайтда зангламайдиган пўлат металл топилмай қолди. Бунинг учун Москвадаги «Серб и Молот» заводи билан келишиб, у ердан ана шундай металлни ола бошладик. Кичик корхонада 6 киши бундай митти ускуналардан бир йилда 60 миллион дона тайёрлашга эришади. Келгуси ойда иш қизғин бошланади. Бу маҳсулот жуда ҳам арзон. Минг донаси солинган бир қутиси 4 сўм туради. Бир марта фойдаланилади, ҳеч қандай қайта ишлаш ёки тозалашга ҳожат йўқ.

Бу маҳсулотимиздан жумҳуриятдаги барча шифохоналар мамнун бўляпти.

Бундан ташқари яна бир янгиликни ўзлаштиряпмиз. Ўясама тишларни қайта жилолайдиган қайроқдир. Бу янги маҳсулотдан йилига 120 минг дона тайёрланади.

•МАВЗУГА ҚАЙТИБ

ҒАЗАБОВ НЕГА ҒАЗАБЛАНАДИ?

26 сентябрь. Соат 15.30. Бутуниттифоқ телерадиокомпаниясининг ТСН программаси хабар қилади: **Ҳозир Тошкентда Ўзбекистон парламентининг йиғилиши кетяпти. Унда бир гуруҳ депутатлар республика ҳукуматининг истеъфога чиқишини талаб қилди...**

Аввалига ҳаммамиз ҳайрон қолдик: парламент йиғилиши қаерда, қачон бўлди экан? Масалага аниқлик киритиш учун мутасадди кишилар билан боғландик.

ИРИСМАТ АБДУЛХОЛИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби: — Шу заҳотиёқ ТСННинг навбатчи муҳаррири ва хабарни ўқиган ўртоқ билан боғланиб, бу ахборотни қаердан олганликларини сўрадим. Улар ТАССдан олганмиз, «Немецкая волна», «Голос из Кельна» («Немис тўлқини», «Кельндан овоз») радиостанцияларининг ахборотларидан ҳам фойдаланамиз, жуда хабарлар кўп бўлади, ҳозир сизга аниқ бир нарса айта олмаймиз, дейишди. Кейин Бутуниттифоқ телерадиокомпанияси Бош директори Эдуард Сагалаевни телефонга чақирдим. У аввалига қўл остидаги ходимларининг ишидан ҳайратга тушди. «Айни пайтда бу менинг ўзимга нисбатан қўзғатилган ғаламисликдир», деди у.

ШАВКАТ ИУЛДОШЕВ, Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши раёсатининг раиси: — Бутуниттифоқ телерадио компаниясининг бош директори Эдуард Сагалаевдан 21 миллион кишилик Ўзбекистонга қаратилган бу бузғунчилик учун изоҳ талаб қилдим. «Мен туғилиб ўсган Ўзбекистон ўз иқтисодиётини изчиллик билан янгича асосларга қўчираётган ягона барқарор жумҳурият эди, — деди афсус билан Эдуард Михайлович. «Сизларга бу барқарорликнинг нимаси ёқмаётир», — деб сўрадим ундан. Бош директор ҳозироқ масаланинг тагига етишга ваъда берди.

Ҳақиқатан ҳам шу куни ТСН соат 19 даги программасида изоҳ берди: **«Аввалги кўрсатувимизда берилган Тошкентда парламент йиғилиши кетяпти ва унда бир гуруҳ депутатлар республика раҳбарларининг истеъфога чиқишини талаб қилди, деган ахборотимиз хато бўлиб чиқди».**

Тақвим милларини энди бир оз олдинга жилдириб, 30 сентябрь кунида тўхтатамиз. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси жуда қизғин, ошкоралик ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Парламент йиғилиши телевидение орқали Ўзбекистон халқига тўлиқ олиб кўрсатилди. Шу йиғилишда, Бутуниттифоқ телерадиокомпанияси бугунги сессиянинг аҳвол-руҳияти ҳақида қандай қилиб 4 кун олдин аниқ фол очди экан, деган шубҳа ҳам оралаб қолди.

Аввал газетхонларнинг, сессияни ойнаи жаҳон орқали кўрган кишиларнинг диққатини парламент йиғилишидаги иккита кичик воқеага қаратамиз:

МАРАТ ЗОҲИДОВ, депутат: — Бу гап ўзимиздан, шу атрофдагилардан чиқлаб қилганлар қанча эди?

Садир Знёмуҳаммедовга раҳматлар бўлсинким, у киши сессиямиз кун тартибидаги бош масалалар орасидан фақат ўша истеъфо талаб қилган беш-олти депутатни ажратиб суратга олган эканлар.

Биз ТСННинг 26 сентябрдаги ёлғони ва парламентимизнинг 30 сентябрдаги йиғилиши воқеаларини бир ипга тизиб, орамиздан «душман» излаш фикридан йироқмиз.

Чунки ҳозир Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва уни сақлаб қолиш иши ҳар қанқан. Уларнинг кимлигини номма-ном айтиб бераман...

ШУҲРАТ НУСРАТОВ, депутат: — Ҳозиргина «Время» мухбирининг камерасини олиб қўйишди. Шу тўғрими?

ЗАЛДАН ОВОЗ: — Жуда тўғри қилишибди!

Ҳа, ҳақиқатан ҳам мустақил давлатнинг матбуот ҳақидаги қонунини бузиб, парламент йиғилишига беруҳсат кириб олган телеоператор Садир Зиёмуҳаммедов ким учун (у маиший мақсадлар учун мўлжалланган камерадан фойдаланган) сессияни суратга олаётгани билан қизиқиб кўришга тўғри келди.

1 октябрь. ТСН программасининг соат 15.30 даги кўрсатуви: **Ўзбекистон ҳукуматининг навбатдан ташқари сессиясида 230 депутат Ўзбекистон Президентининг истеъфога чиқишини талаб қилди,** деган хабар берилди. Яхшики, шу куни кечқурун ва эртасига Парламент йиғилиши тўлиғича Ўзбекистон телевидениеси орқали халққа кўрсатилди. Сессия жуда ишчан вазиятда ўтди. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилинди. Таклифлар ҳам, танқид ҳам етарлича, ҳаммаси қонун доирасида бўлди. «230 депутат истеъфо талаб қилиб чиқди» деган гапнинг ёлғонлигига халқнинг ўзи ишонч ҳосил қилди. Энди савол туғилиши мумкин: хўш, истеъфо талаб қилганлар қанча эди?

Аммо мустақиллигимиз мухолифлари аксинча бўлишини жуда-жуда истаётган эканлар. Чидолмадилар. ТСН программаси республикамиз вакиллари Олмаота кенгашчилари даврасида фаол ишлаётган пайтда, Нурсултон Назарбоев уюштирган учрашувда Болтиқбўйи жумҳуриятлари, Тожикистон ва Ўзбекистон делегацияси қатнашмади, деган яна бир ёлғонни тарқатишдан уялмади.

Шу заҳотиёқ Бутуниттифоқ телерадиокомпаниясининг раиси Егор Яковлев билан боғландик:

— Бу ёлғон ахборотни қаердан олдиларингиз?

— Билмадим... Аниқлайман.

Орадан ярим соат ўтгач, Егор Яковлев ва Эдуард Сагалаев кейинги ёлғонлар ТАСС ва «Независимая газета» ахбороти эканини маълум қилиб, энди текширилмаган хабарларни эфирга бермаймиз, деган гапни айтишди. Бундан буён «Независимая газета» ахборотларидан мутлақо фойдаланмаймиз, деб ваъда беришди.

Шарқда ишонч муқаддас унсур саналишини ёдда тутиб, Ўзбекистоннинг бошқа бир «дўсти» — «Комсомольская правда» газетасининг биринчи октябрь сонидаги бизга тегишли ахборотнинг мағзини чақишга уриниб кўрамиз: «Ўзбекистон парламентида бўлиниш муқаррар бўлиб қолди».

Бу навбатдаги башорат эмас. Бу тарих сабоғини менсимасликдир. Босиб олган ўлкаларини битта давлат байроғи остида жамламоқчи бўлган Наполеон мағлубиятга учрагандан кейин, Оврупо яна ҳам кўпроқ майда давлатларга парчаланиб кетган эди. Асосан бутун фаолиятини Марказ империясини сақлаб қолишга бағишлаган Бутуниттифоқ Олий Кенгашидаги бўлинишлар туфайли тарих сабоғи яна такрорланди. Энди ўзимизнинг воқеликка кўчадиган бўлсак, **Ўзбекистон мустақиллиги сиймосида бўлинишга ҳар қандай мойиллик маҳаллийчиликка ва парламентни тарқатиб юборишга даъватнинг айни ўзидир.**

Биз республика раҳбариятини танқид қилиш мумкин эмас, деган фикрдан йироқмиз. Лекин ўрни келиб қолгани учун мустақил ҳаётимизнинг ўтган бир ойи ичида қайси ишлар истеъфо талаб қилувчиларга ёқмай қолди, деган саволга жавоб бериш керак, деб ҳисоблаймиз. Негаки, улар биз қуйида тилга оладиган тадбирларга доир фармонлардан бир қисмини рўй-рост **ноқонуний** деб эълон қилганини бутун Ўзбекистон аҳли ўз кўзи билан кўрди, ўз қулоғи билан эшитди:

— ижодий уюшмалар, ташкилотлар, Давлат хавфсизлик қўмитаси, ички ишлар қўшинлари ва ҳудуддаги ҳарбий қисмлар, барча ўқув юртлари департизация қилинди;

— миллий гвардия тузилмоқда;

— Ўзбекистон Давлат хавфсизлик қўмитаси тарқатилиб, республика миллий хавфсизлик бошқармаси тузилмоқда;

— пахта терувчиларнинг иш ҳақи кўпайтирилди;

— Ўзбекистон ўз олтинларига эгалик қилишга киришди;

— чет эллардаги ўзбекларнинг «Эл» халқаро уюшмаси Тошкентда таъсис конференциясини ўтказди;

— Алишер Навоий юбилейининг 550 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон мустақиллигининг мезонларини белгиловчи бу каби тадбирларни биронтаси ТСН программасининг объективига тўғри келмайди. Ғазабовнинг («Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон ҳақидаги кейинги хабарлари шу имзо билан берилмоқда!) фақат ғазабини келтиради.

Ўртоқлар! Оғалар! Нима қилайлик, қайтар дунё экан! Тарих Ўзбекистон учун мустақиллик ҳукмини ўқиди. Оҳ денг, дод денг, энди эркинликка ташна халқ тошкинига тўғон бўлиш қўлингиздан келмайди. Буни Ўзбекистон парламентининг сизларнинг умидингизни оқламаган 30 сентябрдаги сессияси ҳам тасдиқлади. Депутатларимиз асосий масала — Ўзбекистон мустақиллигига дахлдор гапларда яқдил бўлиб турдилар.

Ушбу мақола тайёрланаётганида ТСН программаси навбатдаги ёлғони билан эфирни безади: **«Ўзбекистон парламентида бўлиниш юз берди. Қўқонда, Наманганда, Андижонда кўпминг кишилик митинглар давом этмоқда».**

Бу пайт Ўзбекистон Президенти ва вице-президенти Олмаотадаги кенгашдан ҳали қайтишмаган эди. Фарғона водийси вилоятларидан эса, ҳеч қандай митинг бўлгани йўқ, халқимиз пахтасини тезроқ териб олиш билан банд, деб хабар беришди.

Куни кеча «Комсомольская правда» газетаси пахтамизнинг харид нархи 50 фоизга оширилгани муносабати билан берган «Биродарлар, бизни тўнашмоқда» сарлавҳаси остидаги мақоласида яна ўзбек деҳқонини гуноҳкор қилмоқчи бўлди. Пахтанинг харид нархи эндигина бир ярим баробар ошди. Лекин техника, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи ва ўғитларнинг харид нархлари аллақачон юз олтмиш — икки юз йигирма фоизга ошганида ва бечора ўзбек деҳқонини чинакам тўнашаётганида нима учун «Комсомольская правда»даги ўртоқлар миқ этишмади? Нима, энди ўзбек деҳқонининг эгнидаги жулдир чопони ҳам кўзингизга кўп кўринаётирми!

Мусо АБДУРАЗЗОҚОВ.

СПОРТ

БУШ КЕЛИШМАДИ

● ДНЕПРОПЕТРОВСК шаҳрида курашнинг шарқона турларидан ҳисобланган тэквондо бўйича мамлакат кубоги учун мусобақалар ўтказилди. Беллашувларда Ўзбекистон полвонлари бўш келишмади. Улар команда ҳисобида биринчиликни қўлга киритишди. Бу ғалабага В. Дадахонов билан Р. Тошпўлатовлар биринчи ўринни эгаллаб, муносиб ҳисса қўшишди.

СОВРИН ЭГАСИ

● ТОШКЕНТДА теннис бўйича анъанавий мусобақа ўтказилди. Мамлакатнинг турли шаҳарларидан келган кичик тўп усталари «Тошкент кубоги» учун ўзаро баҳслашдилар. Мусобақаларга космонавт-учувчи А. Березовой ҳам ҳакамлик қилди. Бош совринни челябинсклик Михаил Егоричев қўлга киритди. Аёллар ўртасида киевлик Татьяна Турковская ғалаба қозонди. Биллур соврин тошкентлик Тамара Муротовага ҳам насиб этди.

САФАР УЧРАШУВИДА

● БИРИНЧИ лига жамоаларида асосий учрашувлар кеча бўлиб ўтди. Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари навбатдаги учрашувни «Таврия» майдонида ўтказди. Маълумки, наманганликлар сафар учрашувларида ҳамиша очко йўқотиб, мухлисларни ранжитиб келишарди. Бу гал ҳисобни 2:2 қилиб, жами очколарини 37 га етказишди. Фарғонанинг «Нефтяник» жамоаси сафарда «Тирас» футболчиларининг меҳмони бўлди.

ҲАР БИР УЙДА «НАФОСАТ» БЎЛСА

Маълумки, ҳозирги сергалва даврда кун сайин бир янгилик туғилиб турибди. Шу туфайли муштарийларимиз билан тез-тез мулоқотга чиқиш зарурати сезилмоқда.

Давр талаблари асосида айрим янгиликлар бизнинг ойнома ҳаётига ҳам кириб келди. 1992 йил январь ойидан бошлаб «Санъат» ойномаси «Нафосат» номи билан чиқа бошлайди. Ойнома ташкил этилганининг 50 йиллигига бу янги ном муносиб совға, албатта.

Шу ўринда азиз муштарийларимизга ном ўзгаришининг бир жиҳатини алоҳида эслатиб ўтишимиз керак. Гап бошқа ном қўйилишида эмас, ойнома фаолиятида туб сифат ўзгариши қилиш ҳақида бормоқда. Келгуси йил биринчи сонидан эътиборан ойномада фақатгина санъат соҳаси билан чегараланиб қолмасдан, ҳаёт, инсон, жамиятдаги нафосат ҳам, экологик жараён мувозанатини сақлаш каби мавзулар ҳам кенг ёритиб борилади.

Ёшларимиз маънавияти жуда катта муаммо бўлиб турибди. Ўғил ва қизларимизни юксак эстетик ва маънавият руҳида тарбиялашда «НАФОСАТ» муштарийларга энг яқин йўлдош, кўмакдош ва маслаҳатгўй бўлиб қолади. Шунингдек, ойнома саҳифаларидан маданий меросимиз, миллий қадриятларимиз ҳам салмоқли ўрин олади.

«Нафосат»нинг бир сони нархи обуна учун 1 сўм 30 тийин, чакана савдода 1 сўм 50 тийин. Йиллик обуна баҳоси эса 15 сўм 60 тийин. Индексимиз — 75324.

«НАФОСАТ»га ёзилишдан кечикманг, азиз юртдошлар!

Асад АСИЛ,
ойноманинг масъул котиби.



● Тошкент, 36-шаҳар шифохонаси беш қаватли янги бинога кўчиб ўтди. Пойтахтнинг кенжа турар-жой масканларидан — Қорасув аҳолиси учун бу шифохонада қатор қулайликлар мавжуд.

СУРАТДА: даволаш физкультура хонасида машғулот.

Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«ҲАЁТ ВА ИҚТИСОД»

ЎРТА ОСИЁ ҲУДУДИДАГИ ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ НАШР ҲИСОБЛАНАДИ.



«Ҳаёт ва иқтисод» — асосан ишбилармонларнинг, бизнесмен ва менеджерларнинг, иқтисод билан шуғулланувчи олимларнинг, талабаларнинг, ўқувчиларнинг ойномаси.

Ойнома саҳифаларидаги шарқ иқтисодиёти тарихи зарварақларидан, бугунги иқтисодий аҳвол ҳақидаги маълумотлардан хабарсиз қолмай десангиз

«ҲАЁТ ВА ИҚТИСОД» ОЙНОМАСИГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Ойномага обуна «Матбуот уюшмаси» агентликлари ёки алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

«Ҳаёт ва иқтисод»нинг йиллик обуна нархи — 8 сўм 40 тийин, ярим йиллиги 4 сўм 20 тийин, уч ойлиги эса 2 сўм 10 тийин.

Шуни эслатиб ўтамизки, 1992 йилда ойнома обуначи учун 70 тийин, сотувда эса икки баравар қимматроқ — 1 сўм 50 тийин бўлади.

Обуна варағини тўлдиришда нашр рақамини ёзишни унутманг — **75481.**

ДИҚҚАТ!

Ташкилот бортли янги «ЗИЛ-130» автомобилини исталган маркадаги «Волга», «Жигули» ёки «Москвич» автомобилига АЛМАШТИРАДИ

Хусусий шахслар ва ширкатларнинг мурожаат қилмасликларини сўраймиз.

Телефонлар: 44-19-76, 44-64-61.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг

АГРОСАНОАТ МАЖМУИНИ БОШҚАРИШ РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАКТАБИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун 1991 йилга қуйидаги ихтисослар бўйича

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— халқ хўжалиги ва унинг тармоқларида иқтисод, режалаштириш, бошқаришни ташкил қилиш;
— иқтисодий-математик усуллар.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700144, Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 374-уй. Телефонлар: 64-19-44, 64-13-76.

Ўзбекистон республикаси уй-жой-коммунал хўжалик вазирлигининг «Узтеплокоммунэнерго» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон республикаси уй-жой-коммунал хўжалик вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Сайдаминовга отаси

Сайдамин ИУЛДОШБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Узглавлегснабсбит» хом ашё ва енгил саноат маҳсулотларини таъминлаш ва тақсимлаш бош бошқармаси жамоаси енгил саноат бошқармасининг бошлиғи Р. И. Отажоновга отаси

Йўлдош ОТАЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекбирлашув бошқарув ҳайъати ва жамоаси Наманган вилоят матлубот жамияти уюшмаси бошқарув ҳайъатининг раиси Б. Абдуганиевга отаси

Абдуғани АЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими жамоаси Иссиқлик физикаси бўлимининг раҳбари, академик П. Қ. Ҳабибуллаевга синглиси

Гулчеҳра МУҲИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси уй-жой-коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳайъати ва касаба уюшмаси ташкилоти вазирнинг биринчи ўринбосари Р. С. Сайдаминовга отаси

Сайдамин ИУЛДОШБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети жамоаси тарих фанлари доктори, профессор, «Сиёсатшунослик» кафедрасининг мудири

Малик Қодирович ҚОДИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БУЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 33-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00.

№ 198.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12